



ТЕРАК ДОВОНИДА ЯШАГАН ҚИРФИЗЛАР ВА УЛАРНИНГ АНЬАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИ ТАРИХИННИГ ЎРГАНИЛИШИ

P.R. Алимова

*Тарих фанлари номзоди, доцент,
Тошкент давлат шарқшунослик университети,
Марказий Осиё халқлари тарихи ва этнографияси кафедраси мудири.*

Калит сўзлар: Кошғар, Василий Никитин, Россия, элчилик, манзиллар, Ёкуббек, Терак йўли, Терак Довони, Олой йўли, қирғиз уруғлари, бурут, чўнбағиш, бугу, дулат, чапрашти, черик, саяқ, солта.

Аннотация: Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида Кўқон хонлигини Кашғар билан боғлайдиган Терак довонида яшаган қирғизлар, қирғиз уруғ ва қабилалари, улар жойлашган ҳудудлар, уларнинг анъанавий хўжалигининг ўрганилиши масаласи ёритилади. Шу билан бирга мақолада қирғизларнинг рус тарихшунослигига ёритилиши масаласи ҳам кўриб чиқлади.

STUDY OF THE HISTORY OF THE KYRGYZ WHO LIVED IN THE TERAK PASS AND THEIR TRADITIONAL ECONOMY

R.R. Alimova

*Candidate of History, Associate Professor,
Tashkent State University of Oriental Studies,
Head of the Department of History and Ethnography of Central Asian Peoples*

Key words: Kashgar, Vasily Nikitin, Russia, embassy, area, Yakubbek, Terek road, Terek-Davan, Alai road, kyrgyz clans, burut, chonbagish, bugu, dulat, chaprashti, cherik, sayak, salta.

Abstract: In this article, in the second half of the 19th century, the Kyrgyz, Kyrgyz clans and tribes who lived in the Terak Pass connecting the Kokan Khanate with Kashgar, the areas where they are located, and the history of their traditional economy are covered. In this context, the issue of coverage of the Kyrgyz in Russian historiography is also considered.

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ КЫРГЫЗОВ, ЖИВШИХ НА ПЕРЕВАЛЕ ТЕРАК, И ИХ ТРАДИЦИОННОГО ХОЗЯЙСТВА

P.R. Алимова

*Кандидат исторических наук, доцент,
Ташкентский государственный университет востоковедения,*

Ключевые слова: Кашгар, Василий Никитин, Россия, посольство, адреса, Якуббек, дорога Теракская, Терак-Даван, дорога Алай, кыргызские роды, бурут, чонбагиш, бугу, дулат, чапрашти, черик, саяк, салта.

Аннотация: В настоящей статье освещаются киргизы, киргизские роды и племена, проживавшие в Теракском перевале, соединявшем Коканское ханство с Кашгаром, районы их проживания, их традиционное хозяйство во второй половине XIX века. В этом контексте рассматривается и вопрос освещения кыргызов в российской историографии.

Марказий Осиёнинг қадимий халқларидан бири ҳисобланган қирғизлар, уларнинг сиёсий тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисида манбалар ва адабиётларда маълумотлар мавжуд. Улар тўғрисидаги маълумотлар қўлами Россиянинг Марказий Осиёни тадқиқ қилиши билан боғлиқ кечгани учун ҳам XIX асрга келиб анча кенгаяди. Айниқса, қирғизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи XIX асрнинг иккинчи ярмида рус тарихшунослигида кенг ёритила бошланган. Бу маълумотлар кўпроқ рус саёҳатчилари, шарқшунослари, ҳарбий мутахассисларининг ҳисоботлари ва асарларида, шу билан бирга архив ҳужжатларида ҳам ўзининг аксини топган. Айниқса, Россия давлатининг Марказий Осиёга эътиборининг ортиб бориши билан Ўрта Осиё халқлари тўғрисида маълумотлар кўпроқ йиғила бошланган. Тадқиқотчилар Марказий Осиёга уюштирилган сиёсий ва ҳарбий экспедициялар натижасида жуда хилма-хил қимматли далилларни қўлга киритганлар. Бу маълумотларнинг аксарияти географик, этнографик, тарихий, топографик характерга эга бўлиб, изланишлар натижаси ўша даврдаёқ чоп қилина бошланган. Россия тарихчилари томонидан қирғизларни ҳар томонлама ўрганиши, аввалом бор Россия ҳукуматининг геосиёсий манбаатлари маҳсули эди. Бу тадқиқотлар XIX асрда қирғизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи, хусусан, уларнинг яшаган худудлари, турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақидаги маълумотлари билан жуда муҳим саналади. Марказий Осиёнинг ички ва ташқи карvon йўлларини ўрганиш масалалари рус тадқиқотчилари эътиборидан четда қолмаган. Шу нуқтаи назардан, Россияни Ўрта Осиё хонликларини Хитой, жумладан, Шарқий Туркистон билан боғлайдиган карvon йўллари стратегик жиҳатдан қизиқтириб келган. Бу даврга келиб, Марказий Осиё минтақаси Россия ва бошқа Ғарб давлатлари учун манбаатлар чорраҳасига айланиб қолган эди. Ўрта Осиё хонликлари Хитой билан Қўқон хонлиги орқали ўтган карvon йўллари орқали алоқа қилган. Қўқон хонлиги билан Хитой оралиғида асосан қирғизлар яшаган. Қирғизлар истиқомат қиласиган тоғли худудларда карvon йўллари довонлар орқали ўтган. Қўқон хонлигини Кошғар билан боғлайдиган иккита давон йўли мавжуд бўлган. Бири Терак давони, иккинчиси Олой йўли.

Терак довони Олой төг тизмаларининг шарқий қисмидаги Фарғона водийсидан Кошғарга ўтадиган йўл ҳисобланган. XIX асрда Терак довони Қўқон хонлиги билан Кошғарни бир бирига боғлаб турган, стратегик жиҳатдан муҳим жой саналган.

Терак довони тўғрисида Марказий Осиё минтақасига ташриф буюрган сайёҳлар, шарқшунослар, ҳарбийлар, тадқиқотчилар асарларида муҳим маълумотлар учрайди. Терак довони XVIII аср хорижий картографлар томонидан чизилган хариталарда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Тиббертнинг харитасида Терак довони тоғлари мамлакатнинг ўртасида жойлашган ҳолда тасвирланган¹.

Бу довондан биринчи бўлиб, 1780 йилларда Ф.Ефремов ўтган бўлиб. Терак довони Тянь-Шан ва Помир-Олой тизма тоғлари орқали Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган. Ф.Ефремовнинг ёзишига кўра, тоғлари жуда баланд, ўрмонлари кам, ўт-ўланларга бой, қишида қор жуда кўп ёғади². Тоғлари жуда баланд деганда, Терак довони тоғлари тушинилган бўлиши керак. Қўқонлик савдогарлар билан Қашғарга йўлга чиққан Ф.Ефремов уч қун йўл юриб, Ўшга етган. Унинг ёзишига кўра, Ўш атрофидаги тоғларда кўчманчи қирғизлар яшаган. Қошғаргача бўлган 13 кунлик йўл тоғлар орасидан ўтган³. Қўқондан Қашғарга юк ортилган от карвонлари 14-20 кун йўл юрган.

Рус тадқиқотчиларидан П.И.Ричков “кучли ва кўп сонли халқ қирғизлар Тошкентдан кейин Хўжанд, Наманган, Марғилон шаҳарлари атрофларида яшайдилар, деб таъкидлаган. Улар тошли ва чиқиб бўлмайдиган Олой тоғларида кўчиб юради; тоғ номидан олиниб, уларни Олой тоғи қирғизлари деб атайдилар”⁴, - деб хабар берган. П.И.Ричков асарида тоғли аҳоли умумий қирғиз номи билан юритилган. Аммо муаллиф қирғизларнинг алоҳида уруғ ёки қабилалари тўғрисида маълумот бермаган.

XIX асргача фанда қирғизлар ва улар яшайдиган худудлар тўғрисида жуда кам маълумотлар мавжуд эди. Шунинг учун Қирғизистон ерларига уни ҳар томонлама ўрганиш мақсадида рус олимлари, географлари, хусусан П.П.Семенов-Тян-Шанский, зоолог ва географ Н.А.Северцов, ботаник ва гуограф А.П.Федченко, геолог И.В.Мушкетов ва бошқалар ташриф буюришган. 1800 йилда Россия Семипалатинск орқали Марказий Қозогистон, Чув дарёси ва Қоратов орқали Тошкентга М.Поспелов ва Т.Бурнашевларни

¹ Умурзаков С. Географическая изученность Кыргызстана до середины XIX века. – Б.: Университет Центральной Азии. 2021. – С. 147.

² Ефремов Ф. Девятилетнее странствование. – М., 1952. – С. 75.

³ Ф.Ефремов. Ўша асар, ўша бет.

⁴ Рычков П. Топография Оренбурга, то есть описание Оренбургской губернии, сочиненное коллежским советником Императорской Академии наук корреспондентом Петром Рычковым. – Оренбург. 1887.

келган⁵. Кейинги давларда Иссиқкүл атрофларига яна бир қанча экспедициялар уюштирилган-ки, натижада янги асарлар пайдо бўла бошлаган.

XIX аср ўрталаридан бошлаб яратилган тарихий асарларда қирғиз уруғлари номларига алоҳида эътибор берилган. Масалан, Рус географик жамияти томонидан эълон қилинганд “Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии” номли асарда қирғиз уруғларидан бўлган бурутлар Олой тоғларида яшаган бўлиб, улар жанубда Белур-Тоғ чўққиларигача етиб борган. Уларнинг ўтовлари сони 10000 та, улар шу тоғларнинг шарқий томонларида кўчиб юрган. Улар Кошғаргача етиб борган, деган маълумот берилган⁶.

Терак довони йўлида Кошғар карвонларининг қақшатқич душмани, чўнбағиши уруғидан Атеке кўчманчилари яшаган⁷.

Қўқон-Кошғар карвон йўллари тоғлар орқали ўтганлиги учун анча қийин ва хавфли бўлишига қарамай, даралардан ўтишда кор кўчкиларига дуч келиш хавфи мавжуд бўлишидан катъий назар карвонлар тез-тез қатнаб турган. Ч.Валихоновнинг ёзишига кўра, довонлар ва совуқлар юк ташувчи ҳайвонларни толиқтириб юборади: от ва туялар жуда озаб кетади ва қўпларининг туёқлари ёрилиб кетади. Ҳар куни бир ёки иккита ҳайвон ўларди. Масалан, 101 тудан Кошғаргача 36 таси етиб боради, холос⁸.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Кошғарга саёҳат қилган Ч.Ч.Валихонов Қўқон хонлиги билан Кошғар ўртасида яшаган қирғиз уруғлари тўғрисида қимматли маълумотлар берган. Кошғар билан Қўқон хонлиги ўртасидаги алоқалар Терак довони орқали ўтганлиги 1858-1859 йилларда Кошғарга сафар қилган Ч.Ч.Валихонов томонидан ҳам эътироф қилинган эди⁹. У ўзининг қирғиз даштлари ва Шарқий Туркистонга қилган саёҳатлари давомида жуда қимматли географик, этнографик ва тарихий материалларни тўплаган. Хусусан, Тиектош водийсидан Учтурфонгача Норин дарёси бўйлаб жойлашган қирғизлар андижон ҳокимиға бўйсунади. Уларга Жумгал, Тогузтарау ва Куртка қўрғонлари киради. Талас, Чу ва Жумгал дарёлари бўйларида кўчиб юрган қайсак ва қирғизлар Тошкент ҳокимиға бўйсунади. Уларни назоратда ушлаб туриш мақсадида Авлиёта, Чулак қўрғон, Мерка, Пишпак ва Тўқмоқ истеҳкомлари курилган¹⁰. У

⁵ Умурзаков С. Географическая изученность Кыргызстана до середины XIX века. – Б.: Университет Центральной Азии. 2021. – С. 110.

⁶ Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки РГО. Кн. 3. – СПб., 1849. – С. 190.

⁷ Х.Бабабеков. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 115.

⁸ Ҳ.Бобобеков. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 115.

⁹ Ч.Ч.Валиханов. Описание пути ва Кашгар и обратно в Алатавский округ. // Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Том. 3. – Алматы, 1985. – С. 54.

¹⁰ Ч.Валиханов. Записка о Коканском ханстве // Ч.Ч.Валиханов. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 3. Главная редакция Казахской Советской энциклопедии. – Алма-Ата. 1985. – С. 315.

Иссиқкүлнинг жанубий-шарқий томонида қирғизларнинг бугу қабиласи яшаши тұғрисида хабар берган. Иссиқкүлнинг ғарбидә султа ва сарибағиши уруғлари, улардан ғарбда албанлар, улардан ғарбда дулат ва чапраштилар яшаганлигини хабар қилингандықтан. Ч.Ч.Валихонов қирғизлар Ўрта Осиёнинг катта қисмінде жойлашғанлиги, Иссиқкүлдан Хисор ва Бадахшонгача, Сузоқдан Оқсув ва Уч-Турфонгача бўлган худудларда яшаганлигини эътироф қилган¹². Унинг ёзишига кўра, бурут қирғиз уруғлари Балхаш ва Сирдарёнинг юқори қисмларида, Олотов билан Қошғар довонининг баланд тоғларида яшаган¹³.

Ч.Ч.Валихонов шу вақтгача қирғизлар яшаган ҳамма ерларгача етиб бормаганлари учун барча қирғиз қабилаларининг сонини аниқлашнинг иложи бўлмаганлигини эътироф қилган. У ҳатто қирғизларнинг ўзлари ўз қабилалари номларини билишмайди, деб ёзган¹⁴. Ч.Ч.Валихонов қирғиз уруғлари яшаган худудлар тўғрисида хитойликларнинг қуидаги фикрларини келтирали: “Бурутлар Андижон билан Кошғар ўртасида кўчиб юрадилар”¹⁵, чўн-бағиш Оқсувда, черик Ўшда, найманлар Кошғарда, найман ва қипчоқлар Саркўл (Помир)да яшаган¹⁶. Талас ва Чув дарёлари оралиғида саяк ва солту уруғлари жойлашган¹⁷. Жиргаландан Оқсув ва Қизилсувгача бугу қабиласи яшаганлиги, шимолни сарибағишилар эгаллаганлигини маълум қилган¹⁸.

Қирғизлар тұғрисидаги маълумотлар архив хужжатларида ҳам мавжуд. Ўзбекистон Миллий архивида рус савдогарларининг Кошғарга савдо-сотиқ қилиш учун юборилиши ва қирғиз қабилалари номлари, уларнинг сани, хўжалик фаолияти билан боғлик маълумотлар сақланган.

Маълумки, Шарқий Туркистон Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк ипак йўлидаги муҳим ҳудуд бўлганлиги туфайли доим йирик давлатларнинг эътиборини тортиб келган. Шу нуқтаи назардан Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинган ҳудудларида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топган дастлабки даврларданоқ, у Шарқий Туркистоннинг йирик шаҳарлари билан, жумладан Кошғар, Ёркенд ва Хўтсан билан савдо алоқаларини олиб боришга ҳаракат қилган.

¹¹ Ч.Валиханов. О киргиз-кайсацкой Большой орде. // Ч.Ч.Валиханов. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 1. Главная редакция Казахской Советской энциклопедии. – Алма-Ата. 1984. – С. 180-181.

¹² Ч.Ч. Валиханов. Записки о киргизах // Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 2. Главная редакция Казахской Советской Энциклопедии. – Алма-Ата. 1985. – С. 7.

¹³ Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки РГО. Кн. 3. – СПб., 1849.

¹⁴ Ч.Ч.Валиханов. Записки о киргизах... Т. 2. – С. 8.

¹⁵ Ч.Ч. Валиханов. Записки о киргизах... Т. 2. – С. 8.

¹⁶ Ч.Ч.Валиханов. Записки о киргизах... Т. 2. – С. 8.

¹⁷ Ч.Ч. Валиханов. Записки о киргизах... Т. 2. – С. 9.

¹⁸ Ч.Ч.Валиханов. Записки о киргизах... Т. 2. – С. 9.

Архив хужжатлар орасида 1875 йилдаги “Ака-ука Биковскийлар” савдо уйининг ишончли вакили Василий Никитиннинг савдо карвони билан Кўқон хонлиги ва Терак довони орқали Кошғарга, у ердан Ёркенд ва Хўтанга бориб қайтганлиги билан боғлиқ хужжатлар қимматли маълумотлар манбаи саналади.

Кошғар, Ёркенд ва Хўтанда бўлган Василий Никитиннинг ҳисоботида Шарқий Туркистонга борадиган карвон йўлида яшайдиган қирғиз қабилалари ҳақидаги хабарлари биз учун қимматли маълумотлар манбаидир¹⁹. Василий Никитин савдо карвони билан 1875 йилнинг 10 марта Ўшдан Кошғарга ҳар бир отга 9 пуддан товар ортилган 60 та отдан иборат карвон билан йўлга чиққан²⁰ ва у Терак довони орқали шу йили 30 марта Бодавлат Ёқуббекка қарашли Кошғарга етиб борган. Шуни таъкидлаш лозим-ки, Терак довони Хитой билан Ўрта Осиё ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган²¹.

Василий Никитин хатларининг бирида Кўқон тасарруфидаги Ўшдан чиқиб Кўқон ерлари орқали Терак довони орқали муваффакиятли Кошғарга етиб борганлигини маълум қилган. У ўша даврда Худоёрхонга қарашли чекка худудлардаги ҳолатдан ҳайратга тушган. Унинг хабарига кўра, Кўқон хонлигига қарашли Ўшдан чиқиб, хонлик марказидан узоклаша борсангиз аҳолининг хонга бўйсунмаслик ҳолати кўзга ташланади. Хусусан, Терак довони атрофларида яшаётган қирғизларнинг сартар уруғи ўзини мустакил тутиб, хон ҳокимиятини тан олмаганинги ёзган²².

Ҳозирги Қирғизистоннинг катта худудлари Кўқон хонлиги тасарруфида бўлган. Кўқон хонлигига солта ва саяк қирғиз уруғлари қарашли бўлган²³. Ўша даврда энг кучли уруғлардан бири сарибағиш уруғи бўлиб, улар Кўқон хонлигига қарашли бўлган²⁴. Кўқон хонлиги қирғизлар яшайдиган жойларда хонлик бошқарув тизимини жорий қилган. У ерларни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида қўрғонлар қурган эди. Никитин, иккинчи йўл Олой йўли бўлиб, баланд тоғ тизмалари орқали ўтганлиги, у ерда Кўқон хонлигига қарашли 11 та қирғиз уруғлари номлари ва уларнинг яшаган жойлари ҳақида хабар қилган. 11 та қирғиз уруғлари, ўтовлари сони ва улар яшаган маконлари қўйидагича келтирилган²⁵.

¹⁹ Ўзбекистон Миллий архиви. 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш.

²⁰ Ўзбекистон Миллий архиви. 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. –3 об.-варак.

²¹ Ш.Қўлдошев. Кўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон: сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар. – Тошкент, “Akademnashr”, 2021. – В. 65.

²² Ўзбекистон Миллий архиви. 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 3 об. - вараклар.

²³ Грум-Гржимайло Г.Е. Краткий отчет о результатах экспедиции в Приалайские страны. // Изв. ИРГО. Т. XX. – СПб., 1886. – С. 26.

²⁴ Грум-Гржимайло Г.Е. Краткий отчет о результатах экспедиции в Приалайские страны. // Изв. ИРГО. Т. XX. – СПб., 1886. – С. 30.

²⁵ Ўзбекистон Миллий архиви. 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 3 об.

Т/п	Уруғ номи	Үйлар сони	Яшаган жойлари
1	Сартар уруғи	50	Терак довони
2	Кўкчўлли уруғи	50	Зюлбарс
3	Улзяқ уруғи	300	Уч тепа
4	Галдай уруғи	40	Ягач Арт
5	Баққол уруғи	40	Арчати
6	Галчалар уруғи	100	Сунет
7	Зюваш уруғи	300	Кульдук
8	Зюри уруғи	2000	Коракўл
9	Таука уруғи	1000	Турғўлак
10	Саяй уруғи	1000	Гулча
11	Мунак	2000	Мурдаш
	ЖАМИ: 11 та уруғ	6880	

Санаб ўтилган қирғиз уруғлари қўчманчилик турмуш тарзида яшаган. Улар қишида қишлоғ учун биринчи карвон йўлидаги дарага кўчиб ўтадилар, у ерда ёзгача яшайдилар. Олой йўлидаги қорлар эриб йўллар очилгач, Олой тоғлари тепаларига кўчиб ўтадилар. Алан деган жойда уларнинг доимий яшаш манзилгоҳлари бўлиб, у ерда чорвачилик ва ғаллачилик билан шуғулланган. Бу йўл озиқ-овқат ва ем хашакка жуда мўл бўлган. Шунинг учун йўловчиларнинг пули бўлса бўлди, қирғизлардан ҳамма нарсани сотиб олишлари мумкин, деб эътироф қиласди. Никитин Олой йўлидан юрганлиги учун, бу йўл тўғрисида маълумот беришдан кўра, Терак довони йўли тўғрисида маълумот беришни лозим топган.

В.Никитин Терак довони бўйлаб юрган йўлларида тунаш жойлари тўғрисидаги хабарларида қирғизлар хақида маълумот қолдирган. Масалан, Қўқон хонлигига қарашли охирги ҳудуд Сўфи ёки Мусулмон Коровули деган жойда йўл иккига, бири чапга Терак, иккинчиси ўнгга Олой йўлига бўлинишини маълум қилган. Шу ердан Терак довони орқали юрадиганлар қўчманчи қирғизларни ёллаб олишлари кераклигини эслатади. Чунки қирғизлар улар учун йўлда керак бўладиган ўтиналарни ғамлаб беради. Қирғизлар тўғри Оққия деган жойга етиб бориб, ўрмондан ўтин олиб келгап. Саккизинчи жой – Катта Куночо тўғрисида эса берган маълумотида йўл ниҳоятда тошли эканлиги, қор қалин эмаслиги, аммо қуёш иссиғи таъсирида қор кўчкилари жарликларни хатарли ҳолга келтирганлиги, шундай жойлардан ўтишда 3-4 қават қирғиз кийгизларини тўшаб, у

орқали амаллаб ўтиб олганликлари баён қилинганд²⁶. Маълумки, кўчманчилик турмуш тарзида ҳаёт кечирадиган халқлар, хусусан қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, қўй жунгидан, баъзан туяларнинг жунгидан кийгиз тайёрлашган ва ундан хўжаликда кенг фойдаланишган. В.Никитиннинг маълумотидаги “қирғиз кийгизлари” иборасига эътибор қилинса, қирғизларнинг кўчманчилик билан яшаганлиги, уларда қўйчилик ривожланганлиги учун қўй жунгидан кийгиз тайёрлаганликлари маълум бўлади.

Савдо карвони тўққизинчи тунаш жойи Кўк-Сувга етганида, улар қирғизларга дуч келишган. Қирғизларнинг кимга қарашли эканликларини сўраганида, улар Кошғарлик Ёқуббекга деб жавоб беришган. Улардан Ёқуббекка қанча солиқ тўлашни сўраганларида, умуман солиқ тўламасликларини айтишган²⁷. Демак, Кошғарга борадиган довон йўли бўйлаб қирғиз уруғлари жойлашган ва улар Кошғар ҳокимига буйсунган.

Демак, Терак довони орқали Кошғарга борадиган карвон йўлида кўплаб қирғиз уруғлари яшаган бўлиб, улар кўчманчилик билан ҳаёт кечирган. Қирғиз уруғлари худуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, чорвачилик ва ғаллачилик билан шуғулланган. Улар тўғрисида сайёхлар, тадқиқотчилар ва ҳатто савдогарларнинг ҳисботларида ҳам қимматли маълумотлар сақланиб қолган. Аммо, адабиётларда қирғизларнинг анъанавий хўжалиги масалаларига катта ўрин берилмаган. Кўриб ўтганимиздек, тоғ йўлида жойлашган қирғизлар чорвачилик билан бирга йўловчиларни ўтин ва бошқа нарсалар билан таъминлашда алоҳида хизмалари бўлган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қирғизлар яшаган худуднинг географик хусусияти ва табиатидан келиб чиқиб, уларнинг хўжалигида анъанавий чорвачилик устунлик қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бабабеков Х. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996.
2. Ч.Валиханов. Записка о Коканском ханстве // Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 3. Главная редакция Казахской Советской энциклопедии. – Алма-Ата. 1985. – СС. 314-324.
3. Валиханов Ч.Ч. Записки о киргизах // Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 3. Главная редакция Казахской Советской энциклопедии. – Алма-Ата. 1985. – СС. 7-81.
4. Валиханов Ч.Ч. Краткое извлечение из описания Кашгарии, или Алтышара, составленного поручиком Валихановым // Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 3. Главная редакция Казахской Советской энциклопедии. – Алма-Ата. 1985. – СС. 225-228.
5. Валиханов Ч.Ч. Описание Алтышара, или Кашгара // Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Том. 3. Главная редакция Казахской Советской энциклопедии. – Алма-Ата. 1985. – СС. 223-224.

²⁶ Ўзбекистон Миллий архиви. 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 4-4 об.

²⁷ Ўзбекистон Миллий архиви. 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш. – 5 об.

6. Валиханов Ч.Ч. Описание пути ва Кашгар и обратно в Алатавский округ. // Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Том. 3. Главная редакция Казахской Советской энциклопедии. – Алма-Ата. 1985. – СС. 53-85.
7. Грум-Гржимайло Г.Е. Краткий отчет о результатах экспедиции в Приалайские страны. // Изв. ИРГО. Т. XX. – СПб., 1886.
8. Ефремов Ф. Девятилетнее странствование. – М., 1950. 79 с.
9. Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки РГО. Кн. 3. – СПб., 1849.
10. Рычков П. Топография Оренбурга, то есть описание Оренбургской губернии, сочиненное коллежским советником Императорской Академии наук корреспондентом Петром Рычковым. – Оренбург, 1887. – VIII, 406 с.
11. Қўлдошев Ш. Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон: сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар. – Тошкент, “Akademnashr”, 2021. – 256 б.
12. Умурзаков С. Географическая изученность Кыргызстана до середины XIX века. – Б.: Университет Центральной Азии. 2021. – 180 с.
13. Ўзбекистон Миллий архиви. 1-фонд, 20-рўйхат, 8138-иш;